

## БЕКЖОН РАҲМОН

“Ёш хиваликлар” ҳаракатининг етакчи пешқадамларидан бири мулла Бекжон 1887 йил Хива шаҳрида дунёга келган. Унинг отаси Раҳмонберди девон Вазири акбар Исломуҳжа энг ишончли кишиларидан бири, шахсий котиби эди. Бекжон Раҳмон аввал Хивадаги эски ва янги усул мактабларида таҳсил олди. Сўнг мадрасага кириб диний, фикхий илмларни ҳам мукаммал ўзлаштирди. Шундан сўнг ҳам ўзидан кўнгли тўймай илм истаб, Туркияга йўл олди. Мулло Бекжон Раҳмон Истанбул дорул муаллиминини тугатиб ватанга олий маълумотли педагог сифатида қайтади. Бекжон Раҳмоннинг қизиқиш доираси ниҳоятда кенг. У бир пайтда ижодкор файласуф, публицист, тилшунос, адабиётшунос, санъатшунос ва маданият билимдони эди.



1920 йил 2 апрелда Бекжон Раҳмон раҳбарлигида Хива шаҳрининг Тошҳовли саройида Халқ музейи ташкил этилади. 1920 йил 26 апрель куни ХХР Муваққат ҳукумати томонидан мазкур музейнинг тантанали очилиш маросими ўтказилиб, унинг биринчи директори этиб Мулла Бекжон Раҳмонов тайинланди. Музей 1924 йилдан “Хоразм инқилоби тарихи музейи” деб атала бошлаган.

1920 йил 27-30 апрелда бўлиб ўтган Бутун Хоразм меҳнаткаш халқ вакилларининг 1-қурултойида мулла Бекжон Раҳмон ўғли Халқ маданияти ва маорифи нозири лавозимига сайланади. 1921-22 йиллар давомида ХХР Маориф нозири бўлган мулло Бекжон Раҳмон қисқа муддатда халқ маорифини йўлга қўйишда улкан ишларни амалга оширди. Жумладан, унинг ташаббуси билан Хоразмда шаҳар ва қишлоқларида кўплаб ўзбек ва туркман тилларидаги мактаблар очилди, саводсизликни тугатиш курслари, тезкор муаллимлар тайёрлайдиган курслар фаолияти йўлга қўйилди. Мулла Бекжон аввало “Ёш хиваликлар” партиясининг фаол аъзоси, шу туфайли унинг асл

муддаосимиллатни хурликка етаклаш, Туркистонни большевизм зулимидан озод қилиш эди. 1920 йил сентябрь ойида Бокуда ўтказилган туркий халқлар курултойида иштирок этган Бекжон Раҳмон ўлкада том маънода озодлик талаб қилганларнинг сафида бўлди. 1921 йил сентябрда Хивада халқ университети ташкил қилишга бош қош бўлди. Шунингдек, 1920-1921 йилларда “Инқилоб қуёши” газетасининг ҳам муҳаррири сифатида иш олиб борди.

1921 йил 28 ноябрда бир гуруҳи “Ёш хиваликлар” қаторида Мулла Бекжон ҳам қамокқа олиниб, уларни “Хоразм халқининг душмани” деб айблашадилар. Уларга олдин олий жазо ҳукм қилиниб, кейин бу қарор 10 йил қамок муддати билан алмаштирилди. Лекин кўп ўтмай умуман бекор қилиниб, жабрланувчилар қайтадан ҳукумат ишларига жалб қилинади. Россиянинг комил ҳуқуқли вакили Гродецкий тақлифи билан Мулла Бекжон ҳибсдан чиқарилиб, яна Маориф нозирлигида ишлай бошлайди. Озодликка чиққан Бекжон Раҳмон таълим соҳасида қатор ишларни амалга оширади. Хусусан, мактаб болалари учун дарслик ва китоблар тайёрлаш мақсадида уч киши Бекжон Раҳмон, Гродецкий ва Бобоохун Салимов иборат комиссия ташкил қилинади. Мулла Бекжон Раҳмон ва Бобоохун Салимовлар томонидан жаҳид мактаблари учун “Алифбо” ва “Ўқиш китоби” каби дарсликлар яратилди.

1924 йилдан Мулла Бекжон нафақат ўқув адабиётлари, дарслик китоблари, балки бир қатор газета ва журналларга тинимсиз публицистик материалларини эълон қилиб борди. Шунингдек, 1923 йил Хива шаҳрида 580 га яқин Хоразмнинг эски халқ мақолларини тўплаб, “Оталар сўзи” номи билан китоб нашр қилдиради. Унда жамланган мақолларда халқнинг ҳаётга муносабати, кузатувлари асосидаги ҳикматлари ўрин олган. Хусусан, “Эртага ош қолса давлат, иш қолса меҳнат”, “Ўз қадрини билмаган-киши қадрини билмас”, “Давлат-оғзибирчилик”, “Роҳат-меҳнатнинг орқасида”, “Тек юрган, тўқ юрар”, “Олтин олма дуо ол, дуо олтин эмасми?”, “Бир кун туз еган ерга 40 кун салом”, “Ота-она тахт этар-бахт эта билмас”, “Ишласанг тишларсан,

ишламасанг нимани тишларсан”, “Дўст юзга, душман иза”, “Ўтни ковласанг ўчар, қўшнини ковласанг кўчар”, “Онасини кўр, қизини ол, қироғини кўр, безини ол”, “Ўғри бойимас, ёлғончи ялчимас” ва бошқалар. Асрлар давомида тўпланган бу мақолларнинг тарбиявий аҳамияти бекиёсдир.

Мулла Бекжон Раҳмон ўғлининг Муҳаммад Юсуф Девонзода билан ҳамкорликда нашр қилган яна бир рисола “Хоразм мусиқий тарихчаси” деб номланади. Рисола Хоразмнинг мусиқа соҳасидаги асл тадқиқотларидандир. Асар 1925 йилда Москвада эски ўзбек ёзувида чоп этилган бўлиб, унда “Китобнинг моҳияти, Хоразм мусиқаси кечирган аҳволи, мақомларнинг тақсимооти ва усуллари ва таржимайи ҳолларидур. Китобимизнинг одини “Хоразм мусиқий тарихчаси” деб одламоқни ўхшорли гўрдик”, дея қайд этилган.

Мулла Бекжон Раҳмон ўғли 1825 йилда ҳаттот Собир Худойберган ўғлига “Ҳилвати сўфиҳо” асарини кўчиртирган эди. Ўз олдида Хива хонлигида кечган муайян воқеаларни акс эттиришни мақсад қилиб қўйган бу асар муаллифи ҳам кўп ҳолларда мамлакатнинг иқтисодий ва маданий ҳаётига оид қатор маълумотларни келтириб ўтади. Шу жиҳатдан бу асарнинг қиммати юксакдир.

Мулла Бекжон Раҳмонов маданият соҳасига, айниқса унинг театр йўналиши ривожига ҳам катта ҳисса қўшди. Мулла Бекжон Раҳмонов Ўрта Осиёда миллий-худудий чегараланиш сиёсати ўтказилгач, 1925-26 йилларда Хоразм округи халқ маориф бўлими мудири, кейин Ўзбекистон ССР Фан қўмитасида илмий ходим бўлиб ишлаган. Бу даврда Мулла Бекжон Раҳмоннинг “Янги алифбо” қўмитасидаги фаолияти янада самарали кечди. Унинг алифбо масаласида кўплаб тадқиқотлари ва илмий фикрлари ҳали ҳамон ўз аҳамиятини йўқотган эмас.

Мулла Бекжон Раҳмоннинг вафоти ҳақида турли хил фикрлар мавжуд. Уларнинг ичида ҳозирча ҳақиқатга яқини 1929 йилда Амударё (кеманинг ичи)да совет чекистлари томонидан ваҳшийларча ўлдирилганидир. Албатта, Мулла Бекжон Раҳмон ўғлининг ҳаёт йўли ва ижодий меросини кенг

Ўрганиш бугун тарихчи олимларимизнинг олдида турган муҳим вазифа ҳисобланади.

*Манба: Б.Ирзаев, Ю.Раҳмонова. Хоразм вилояти Хотира китоби(51-54 бет)*